201__ Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

*Маданият — бу халқимиз, жамиятимиз қиёфасидир!*

# МАДАНИЯТ

МГ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ НАШРИ МАДАНИЯТ газетаси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ НАШРИ №38 (68) 19.09.2019 йил

Ҳунарманд-2019





# Фестиваль таассуротлари олам кезмоқда

**Ўтган ҳафта давомида Қўқон шаҳрида бутун дунёнинг эътиборини ўзига қаратган ва довруғи оламга ёйилган Халқаро ҳунармандчилик фестивали ниҳоясига етди. Аммо Ўзбекистонда илк бора ўтказилган ушбу фестиваль ҳақида ҳали кўп ва хўп дилтортар суҳбатлар, таассуротлар давом этиши аниқ. Юртимизга ташриф буюрган турли мамлакатлар вакиллари у ҳақдаги илиқ фикр ва таассуротларини билдиришди, шу билан бирга ўз ватанларига ҳунармандларимиз ва уларнинг маҳорати ҳақидаги унутилмас хотиралар билан қайтишди. Буни нафақат хориж ОАВ, балки ижтимоий тармоқларда билдирилган ижобий фикрлардан ҳам билиш мумкин.**

**Тафсилотларга қайта-қайта тўхталиш ниятидан йироқмиз. Аммо яхшини "яхши" дея олиш ҳам улуғ фазилат. Келинг, яхшиси, шундай юксак маънавиятли, маданиятли меҳмону мезбонларнинг самимий эътирофларига қулоқ тутайлик...**







### "ЎЗБЕКИСТОННИ СЕВИБ ҚОЛДИМ"

**Nihan Sian, Озарбайжон:**

— Мана, уч кундан буён гўзал ва мафтункор деб эътироф этилган Ўзбекистондаман. Ҳақиқатдан ҳам жуда обод ва чиройли мамлакат экан. Айниқса, ушбу фестивални таърифлашга тилим лол. Анжуман жуда аъло даражада ташкиллаштирилган. Ранг-баранг кўргазмалар, ҳунармандларнинг ишлари, халқларнинг миллий либослари, ижро этилаётган гўзал куй ва қўшиқлар мени жуда ёқди. Худо хоҳласа, ўзбекистонлик ҳунармандлар билан келгусида ҳамкорлик қиламиз. Мен Ўзбекистонни севиб қолдим десам, муболаға бўлмайди.

### "ЖУДА КЎП МЎЪЖИЗАЛАРНИ КЎРДИМ"

**Solvita Rozes, Латвия:**

— Мен жуда хурсандман ва ҳаяжондаман. Ўзбекистон, Қўқон шаҳри жуда кўркам ва бетакрор диёр экан. Халқингиз бағрикенг, меҳрибон, самимий экан. Айниқса, биз каби ҳунармандларни шунчалар қадрлаб, нуфузли анжуманга таклиф этишганидан миннатдорман! Мен ҳам бу фестивалга ўз қўлим билан тайёрлаган маҳсулотларимни олиб келдим. Ўйлайманки, бу буюмлар тадбир иштирокчиларига манзур бўлади. Бу ерда биз жуда кўп мўъжизаларни кўриб ҳайратландик. Мени айниқса, қўқонлик дурадгорларнинг ишлари, хусусан, 40 дақиқа ичида қад кўтарган айвон лол қолдирди.

### ҲУНАРМАНДЛАРИМИЗ МАҲОРАТЛАРИНИ НАМОЙИШ ҚИЛИШДИ

Халқаро ҳунармандчилик фестивалининг тантанали тадбири ўтаётган пайтда саҳнанинг икки четига халқ устаси Муҳаммадали Юнусов ва унинг шогирдлари томонидан ёғоч ўймакорлиги намунаси — миллий айвонлар қурилди.

Фестиваль иштирокчилари, хорижий ва маҳаллий ҳунармандлар кўз олдида қисқа фурсат ичида айвон қурилиши ўзига хос маҳорат дарси бўлди.

Фестиваль тадбирлари доирасида Ўрдада Қўқон шаҳри кўргазмалари ҳудудида Халқаро пресс-клубнинг ҳунармандчилик фестивалига бағишланган махсус сони суратга олинди ва тўғридан-тўғри эфирга узатилди. Пресс-турда ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш ва улар фаолиятига кўмаклашиш, маҳсулотлари савдосига кенг йўл очиш хусусида муҳокамалар бўлиб ўтди, фестиваль юзасидан фикр-мулоҳазалар, таклифлар тингланди.

### ҚАДДУМИЙ ХОНИМНИ МАФТУН ЭТГАН ЁҒОЧ ЎЙМАКОРЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ

Халқаро ҳунармандчилик фестивалида хорижлик меҳмонлар Самарқанд ҳунармандчилик маҳсулотлари намуналарини ҳам завқ билан томоша қилишди. Жаҳон ҳунармандлар кенгашининг Осиё – Тинч океани минтақаси президенти Гада Ҳижобий Қаддумий хоним уста Мансур Асадов ишлаган айвон, хонтахта, эшик каби ёғоч ўймакорлиги маҳсулотларини кўриб, ҳайратини яширолмади.

— Самарқанд шаҳри ҳақида кўп эшитганман, интернет тармоқлари, газеталарда ўқиганман, — дейди Қаддумий хоним. — Мени, шубҳасиз, Самарқанднинг ранг-баранглик акс этган халқ амалий санъати маҳсулотлари қизиқтирар эди. Бу ҳақда сайтларда кўрган бўлсамда, бугун уларнинг ясалиши, сифати ва бежиримлигини кўриб лол қолдим. Айниқса, оддий тахтани "тилга киргизган" самарқандлик ёғоч ўймакорининг иши, санъати таҳсинга лойиқ. Уста билан суҳбатлашиш асносида, унинг ўзи каби ўнлаб шогирдлари борлигини билдим. Бу мени янада қувонтирди. Демак, Ўзбекистонда ҳунармандчилик ривожланади, "Уста-шогирд" мактабларининг ташкил этилгани эса бу кўҳна санъатнинг умри боқийлигини кўрсатади.

Давоми 2-саҳифада »

Ушбу сонда

Муқаддас қадамжолар

## Беҳишт нури ёғилган маскан



8-саҳифада »

## Амир Темур муҳр-узуги нусхаси яратилди



**"Икки йил олдин соҳибқирон бобомизнинг узуклари ҳақида ўқиб қолдим. Шундан бери у ҳақида маълумот тўплайман. Юзлаб саволлар тинчлик бермайди. Узук мавжудми? Ҳозир қаерда сақланяпти? У нега мамлакатимизда эмас? Аслини кўриб ундан нусха олса бўладими?.. Бу узук тарих силсиласида қанчадан-қанча талотўп урушлар ва ривожланишларга гувоҳ бўлмади дейсиз!"**

4-саҳифада »

## Таклиф ва тавсиялар асосида такомиллаштирилди



4-саҳифада »

## Қашқадарё театри халқаро фестиваль эътирофида

**Қашқадарё вилояти мусиқали драма театри 11-15 сентябрь кунлари Туркиянинг Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган II Театрлар халқаро фестивалида Х.Хурсандовнинг "Бобомнинг орзуси" спектакли билан иштирок этди.**

3-саҳифада »

Донолар сўзлайди... » !

Ёмон нафсингни одобга ғулом қил,
Одобсизни одобинг бирла ром қил.
Хусрав Деҳлавий

Кўпинча сўз айтиб, бўлдим пушаймон,
Айтмаган сўзимдан доимо шодон.
Рудакий

Кимки ўз нафсига бўлибди банда,
Ҳеч кимсадан олқиш олмас жаҳонда.
Фирдавсий

Халқаро алоқалар

## Маданият вазири Тожикистонда

Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Б.Сайфуллаев 18-19 сентябрь кунлари Тожикистон Республикасида бўлиб ўтадиган МДҲга аъзо давлатларнинг маданий ҳамкорлик бўйича Кенгаши XXXIV йиғилишида иштирок этиш учун Душанбе шаҳрига ташриф буюрди.

Ушбу нуфузли йиғилишда МДҲ давлатларининг театр, кино ва бошқа йўналишлардаги халқаро кўргазмалар, ўтказилиши режалаштирилган тадбирлар борасидаги ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилиши назарда тутилган.

Ташриф доирасида Б.Сайфуллаев Тожикистон миллий музейига ҳам борди. 1934 йилда ташкил этилган, 22 та катта ва кичик экспозицион заллари мавжуд бўлган ушбу музейда тожик халқининг ўзига хос ўтмиши ва бугунги кунини акс эттирувчи экспонатлар жамланган. Музей фонди археологик қазишмаларнинг ноёб топилмаларига бойлиги билан ажралиб туради.



Давоми. Боши 1-саҳифада

# Фестиваль таассуротлари олам кезмоқда












### ОАВ ВАКИЛЛАРИ БАҲАМЖИҲАТ ИШЛАШДИ

Фестиваль давомида хорижлик ҳамда маҳаллий ОАВ вакиллари матбуот марказида баҳамжиҳатликда фаолият олиб боришди ва жараён ҳақида юртимиз ҳамда бутун дунёни мунтазам хабардор қилишди. Ушбу нуфузли тадбир ҳақидаги хабар, лавҳа, маълумотларни мухлисларга узлуксиз узатиб турган тиним-бтинчимас журналистларимиз меҳнатини эътироф этган ҳолда, мухбир Фотима Ўктамованинг ҳам мулоҳазаларини келтирмоқчимиз:

— Фестиваль доирасида ўтказилган *“Kokand fashion” модалар ҳафталиги ҳам томошабинларда катта таассурот қолдирди. Ҳунармандчиликнинг нозик қирралари, турли миллатларнинг миллий матолари, бетакрор бичимлар, нафосатли безаклар буларнинг барчаси бир саҳнада турфа рангларда жилва бериб, қўқонликлар, хорижликлар ва меҳмонлар эътиборига ҳавола этилди.*

*“Kokand fashion”ҳафталигида Мексика, Қозоғистон, Польша, Голландия, Малайзия, Иордания, Грузия, Ҳиндистон, Россия каби давлатларнинг моҳир ҳунарманд дизайнерлари қаторида юртимиз вакиллари, хусусан, Фарғона, Қўқоннинг энг ёш дизайнерларининг ҳам миллийлик ва замонавийлик уйғун ҳолда яратган либослари олқишларга сазовор бўлди.*

*“Қўқон шаҳримизда шундай катта фестиваль ташкил этилаётганидан жуда қувондик. Таассуротларимиз бир олам, — дейди Бағдод туманидан келган Ўктамой Мамадалиева. — Ҳунармандларни маҳсулотлари бир-биридан гўзал. Уларга ҳавас қилдик. Айниқса, чет эллик ҳунармандларнинг ишларини кўриб, улар билан суҳбатлашиб ўзгача завқ олдик. Франция, Корея, Америка, Белгия, Туркия, фаластинлик ҳунармандларнинг иши менда катта ҳайрат уйғотди. Концертлар, дор томошалари ҳаммаси ҳаммаси ёдда қоларли. Бир умр унутмасам керак бу байрамни”.*

*“Ушбу фестивалга Сурхондарё вилоятининг Бойсун ва Жарқўрғон туманларидан ташриф буюрдик, — дейди Дилафруз Сиддиқова. — Фестивалда ўзимнинг “Жанда” тўқув маҳсулотим билан иштирок этяпман. Жанда тоза ипакдан тайёрланган мато бўлиб, аёллар саломатлигида муҳим ўрин тутади”.*



*Дарҳақиқат, сурхондарёлик ҳунармандларнинг фестивалга олиб келган барча ишлари ўзига хослиги билан ажралиб турадди. Айниқса, улар томонидан қўл меҳнати билан тайёрланган 25 метрлик сўзана фестиваль қатнашчиларининг ҳайратини оширди. Бу ҳудуднинг миллий қадриятлари сирасига кирувчи урчуқ йиигириш, пахта савалаш каби анъаналари ҳам кўрсатиб берилди. 60 дан ошган нуроний онахонлар ўлану лапарлар айтиб, урчуқ йиигириб, айтишувлар айтиб, дилга завқу қувонч улашди. Бахши боболар танбурлари билан қадим достонларни куйлаб, чанқовуз чалиб байрамга янада ўзгача жозиба бахш этишди.*

### ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Халқаро ҳунармандчилик фестивали доирасида “Ҳунармандчилик ва халқ амалий-санъатини ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция ҳам мутахассислар, ҳунармандлар учун муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари Азиз Абдуҳакимов фестивалнинг Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилгани ҳамда унинг концепциясини ишлаб чиқишда энг аввало халқимизнинг бой маданиятини чуқур ўрганиш, оммалаштириш ва жаҳон ҳамжамиятини кўп қиррали ўзбек халқ амалий санъати билан таништиришга катта аҳамият қаратилганини таъкидлади.

— *Ўзбекистон ЮНЕСКОнинг тенг ҳуқуқли аъзосидир. Аксарият конвенцияларни имзолаётганимизда, биз халқимизнинг ҳам моддий, ҳам номоддий маданий меросини асраб-авайлаш мажбуриятини оламиз. Айни дамда биз дунёда глобаллашув жараёни кетаётгани ва, афсуски, аксарият ёшларимиз кўпинча миллий қадриятларимиз билан алоқаларни йўқотиб бораётганига, ўз мамлакатининг қадимий санъатини унутиб бораётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бироқ шуни ишонч билан айта оламанки, Ўзбекистонда халқ амалий санъати ва ҳунармандчилиги юқори даражада ва бугун сиз бунга ўзингиз гувоҳ бўлишингиз мумкин. Ўйлайманки, мазкур конференция давомида, ўзаро фикр-мулоҳазаларингиз билан алмашганингиздан сўнг сиз нафақат бизнинг фуқароларимиз ва хорижий меҳмонлар, балки халқаро илмий ҳамжамият учун ҳам қизиқарли бўлган қўшимча таклифларни ишлаб чиқишингиз мумкин,* — деди Бош вазир ўринбосари.

Анжуман “Анъанавий бадиий ҳунармандчилик ривожида халқаро амалиёт: ижобий тажриба ва миллий стратегиялар” ҳамда “Ўрта асрларда Шарқда бадиий ҳунармандчилик анъаналари: маҳорат ва илҳом манбалари” мавзуларини ўз ичига қамраб олди.

Хуллас, эзгу фазилатлари билан дунёга танилган халқимиз ўзининг меҳмондўстлик, ширинсуханлик ва одамийлик хислатларини Қўқон шаҳрида яна бир бор намоён этди. Давлатимиз раҳбари биринчи Халқаро ҳунармандчилик фестивалининг тантанали очилиш маросимидаги нутқида таъкидлаганидек, жаҳон халқ амалий санъатини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, бебаҳо бойликни келгуси авлодларга безавол етказиш, бу йўлдаги саъй-ҳаракат ва имкониятларимизни бирлаштиришда мана шундай халқаро анжуманларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Фестиваль давомида юртимизнинг турли ҳудудларидан ташриф буюрган фольклор жамоалари, эстрада гуруҳлари, хонандалар ташриф буюрганлар учун ўз концертларини намойиш этиб, барчага байрамона кайфият улашишди.

### ҒОЛИБЛАР МУКОФОТЛАНДИ

Фестиваль танловига тавсия этилган 200 дан ортиқ хорижлик, 1100 дан зиёд маҳаллий ҳунармандларнинг 30 дан ортиқ йўналишдаги ишлари тақдим этилиб, саккизта номинация бўйича 24 та ғолиб аниқланди. Жумладан, “Энг яхши ҳунарманд” номинацияси бўйича биринчи ўринни (мукофот 7000 АҚШ доллари) Муҳаммадали Юнусов (Ўзбекистон) эгаллади.

Иккинчи ўринга (5000 АҚШ доллари) Суфиян Исмоил Кхатри (Ҳиндистон), учинчи ўринга (3000 АҚШ доллари) Алишер Нарзуллаев (Ўзбекистон) муносиб топилди. Тақдирлаш маросимида “Энг ёш ҳунарманд”, “Энг яхши ҳунармандчилик мактаби устаси” “Қадимий ҳунармандчилик турини тиклаган ҳунарманд” каби номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди. “Энг ёш ҳунарманд” номинацияси мукофоти Наргиз Шойимий (Эрон) га, “Энг яхши ҳунармандчилик мактаби устаси” Абдуқаҳҳор Ҳамдамов ( Тожикистон)га, “Қадимий ҳунармандчилик турини тиклаган ҳунарманд” номинацияси эса Карим Бектош (Қозоғистон)га насиб этди.

**С.РИХСИЕВА тайёрлади.**

### “ТАШКИЛОТЧИЛАРДАН МИННАТДОРМИЗ”

— Биз ҳам ҳунарманд сифатида ўз ишларимиз билан мазкур фестивалда қатнашиб, кўп янгиликлар олдик, — дейди Самарқанд вилоят Нарпай туманидаги 27-болалар мусиқа ва санъат мактаби амалий санъат бўлимининг тўқувчилик ва зардўзлик бўйича ўқитувчиси Гўзалхон Муҳамедова. — Хорижий меҳмонлар билан тажриба алмашдик. Бу каби тадбирлар кўпроқ бўлишини хоҳлаймиз, албатта. Тадбир ўқувчиларимизда ҳам катта таассурот қолдирди. Фестиваль ташкилотчиларига ўз миннадорчилигимни билдираман.



ЎзДСМИда нуфузли меҳмон

## Ҳамкорлик режалари тузилди



Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтига Беларусь Республикаси маданият вазирининг биринчи ўринбосари Наталья Карчевская ташриф буюрди.

Институт ректори, профессор Иброҳим Юлдашев, проректор Гўзал Холиқуловалар меҳмонни институт ҳаёти билан таништиришгач, у профессор-ўқитувчилар, бўлажак докторантлар билан учрашди.

Н.Карчевская Беларусь Республикасидаги санъат ва маданият таълими тизими ҳақида маълумотлар беракан, эътиборни педагогик малака ошириш тизимини янада ривожлантириш бўйича ҳамкорлик қилишга қаратди. Шунингдек, ўзаро суҳбат чоғида Ўзбекистон ҳамда Беларусдаги маданият ва санъат институтлари факультетлари ўртасида алоқа ўрнатиш, музейшунослик ва кутубхонашунослик соҳаларини янада такомиллаштириш, магистратура ва докторантура босқичларида инновацион лойиҳалар билан ишлаш тамойиллари бўйича ҳамкорлик режалари ўртага ташланди.

**Достонбек РАҲМАТУЛЛАЕВ, ЎзДСМИ матбуот хизмати ходими**

Маданий-маърифий тадбир

# Адибни ёд этиб...



Ўзбекистон халқ ёзувчиси, давлат мукофоти совриндори Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 112 йиллиги муносабати билан адибнинг уй-музейида илмий-маърифий тадбир ўтказилди.

Унда Жиззах ДПИ доценти Усмонжон Қосимовнинг “Адабий-эстетик тафаккур тадрижи: А.Қаҳҳор, А.Қодирий, Тоғай Муроднинг адабий-эстетик қарашлари мисолида” номли докторлик (DSc) диссертацияси асосида тайёрланган монографиясини нашрга тавсия этиш бўйича фикр-мулоҳазалар юритилди.



Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги вакиллари, музей раҳбарлари, Яккасарой туман маҳалла фаоллари, адабиётшунос олимлар, таниқли шоир ва ёзувчилар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этган тадбир давомида ЎзДЖТУ Ўзбек тили кафедраси доценти Я.Авлақулов раҳбарлигида талабалар тайёрлаган “Асрор бобо” ҳикояси асосидаги парча намойиш этилди.

Шунингдек, кечада мемориал музейлар ичида биринчилардан бўлиб ўрнатилган “smart”-технологияларининг тақдимоти ҳам ўтказилди. Ушбу инновацион технологиялар музей экспонатлари тўғрисида ўзбек, рус, инглиз, француз ва япон тилларида маълумот беради.

Китобхонлик



# Игна билан ёзилган адабиётлар тарғиботи

Самарқанд вилояти кўзи ожизлар кутубхонасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил сентябрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори асосида китобхонлар ўртасида “Брайль ёзувида тез ва ифодали ўқувчи китобхон” кўрик-танловининг республика босқичи ўтказилди.

Китобхонлар учта шарт бўйича беллашишди. Самарқанд вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси китобхонларга хизмат кўрсатиш бўйича ўз тажрибаси билан ўртоқлашди. Китобхон Парвиз Хайриев 248 балл билан биринчи ўринни қўлга киритиб, ноутбук билан тақдирланди. Наманган вилояти китобхони 244 балл билан иккинчи ўринни, Бухоро вилояти китобхони 242 балл билан учинчи ўринларни эгаллаб, Республика кўзи ожизлар марказий кутубхонаси томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Тадбир доирасида “Энг яхши китобхон оила” кўрик-танлови ҳам ўтказилди. Унда Фарҳод Ҳалимовлар оиласи биринчи ўринни қўлга киритди. “Энг фаол китобхон” кўрик-танловида эса махсус ихтисослаштирилган 59-мактаб интернати 12-синф ўқувчиси Меҳрангиз Ҳотамова биринчи ўринни эгаллади.

АКМ ва туман кутубхоналари ўртасидаги “Энг фаол кутубхоначи” танловида Самарқанд вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси етакчи ходими Зарнигор Нормуратова олий ўринни эгаллаб, ғолибликни қўлга киритди. “Йилнинг энг яхши мутахассиси” деган ном эса китобларга ишлов бериш бўлими мудираси Мавлуда Омоновага насиб этди.

**Д.ҚЎШОҚОВА, кутубхона ишлари бўйича директор ўринбосари**

Ҳосил байрами

# Фориш деҳқонлари учун концерт



16 сентябрь куни Фориш туманининг “Ғалла-2019” мавсумида фаол қатнашган фермер ҳамда деҳқонлари учун “Дил ифори” тантаналар масканида ҳосил байрами ташкил этилди.

Тадбирда туман ҳокими А.Мустанов барча йиғилганларни байрам билан табриклаб, мавсумда фаол иштирок этган бир гуруҳ фермерларга қимматбаҳо совғаларни топширди. Шундан сўнг туман маданият марказининг “Тоғ шалоласи” ҳамда “Парвоз” ашула ва рақс халқ ансамбллари, шунингдек, “Боғдон гуллари” фолклор этнографик халқ ансамбли санъаткорлари қатнашчиларга ўз концертларини намойиш этиб, кўтаринки кайфият улашишди.

**Ш.ДАРХОНОВ, марказ мутахассиси**

Дўстона алоқалар

# Қашқадарё театри халқаро фестиваль эътирофида

Қашқадарё вилояти мусиқали драма театри 11-15 сентябрь кунлари Туркиянинг Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган II Театрлар халқаро фестивалида Х.Хурсандовнинг “Бобомнинг орзуси” спектакли билан иштирок этди.

Спектаклда ёлғизликнинг оғир юки, фарзандларнинг ўз ғам-ташвишлари билан овора бўлиши, кексаларнинг улар тушуна олмаган оғриқли туйғулари, инжиқликлари сири тўла-тўкис акс эттирилган. Бундан ташқари, ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган анъана, одат ва расм-русумларимиз ҳам спектакль мазмунига сингдирилган ҳолда фольклор томоша тарзида ифода этилди. Фестиваль иштирокчиларига спектаклдаги миллий ўйинлар, жумладан, миллий лапар ва рақслар, айниқса, хоразмча қайроқ ўйинлари жуда манзур бўлди. Томоша якунида театр ижодкорлари ва маҳмонлар биргаликда “Лазги”га завқ билан рақсга тушишди.

Малтепа ҳокимлиги Маданият ва ижтимоий ишлар мудирлиги томонидан ўтказилган ушбу халқаро анжуманда ўндан ортиқ, жумладан, Италия, Руминия, Украина, Озарбайжон, Кипр каби яна бир қанча давлатлар ҳамда Туркиянинг еттита шаҳри театрлари иштирок этди. Фестивалда Қашқадарё вилояти мусиқали драма театри “Энг яхши спектакль либоси” номинацияси бўйича тақдирланди. Спектаклда фойдаланилган қуроқли либослар, сўзаналар ва каштали дўппилар муносиб эътироф этилди.

Шуниси диққатга сазоворки, ўзбекона қадриятлар ва миллий куйларимиз сеҳри, либослардаги шарқона гўзаллик халқаро фестивалларнинг энг жозибадор ва эътиборга молик жиҳатларидан бири бўлиб қолмоқда.

Халқаро алоқалар

# Ўзбекистонда Татаристон

## Республикаси маданияти кунлари

16-19 сентябрь кунлари юртимизда Татаристон Республикаси маданияти кунлари бўлиб ўтади. Шу муносабат билан республиканинг маданият вазири И.Аюпова бошчилигидаги делегация Тошкентга ташриф буюрди.

Меҳмонлар 16 сентябрь куни Ўзбекистон Маданият вазирлиги вакиллари билан учрашдилар. 17 сентябрда эса улар Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари ҳамда маданий, тарихий обидалари билан танишдилар.

18 сентябрь куни Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрида Татаристон маданияти кунларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда санъат усталарининг концерти намойиш қилинди.

Маданият вазири ташрифи



# ЎзДСМИнинг Фарғона

## минтақавий филиали очилди

12 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Б.Сайфуллаев Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиалига борди.

Б.Сайфуллаев олий таълим муассасаси талабалари билан учрашиб, юртимиз раҳбарининг мамлакатимизни ривожлантириш бўйича олиб бораётган ислоҳотлари, шунингдек, институт, унинг анъаналари ва маданият соҳасида жорий этилаётган янгича ижодий ёндашувлар ҳақидаги фикрларини тинглади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 22-23 июндаги вилоятга ташрифи давомида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиалини ташкил этиш бўйича топшириқ берганди. Мазкур топшириқ асосида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссияси томонидан 2017-2018 ўқув йилида актёрлик санъати (турлари бўйича) таълим йўналишига 25 та, жумладан, 10 та жой давлат гранти асосида, 15 та жой тўлов шартномаси асосида Фарғона, Наманган, Андижон вилоятлари учун мақсадли қабул квотаси сифатида қўшимча равишда ушбу филиал учун ажратилди.

2019-2020 ўқув йилида филиалга мусиқали ва қўғирчоқ театри актёрлиги, мусиқий театр режиссёрлиги, фольклор ва этнография, ашула ва рақс, кутубхона-ахборот фаолияти йўналишлари бўйича талабалар қабул қилинди.

"Рақс сеҳри" фестивали

## Очилиш маросимида қўғирчоқ театри томошалари

15 сентябрь куни қадимий шаҳар — Хивадаги "Ичан қалъа" давлат музей қўриқхонаси ҳудудида "Рақс сеҳри" фестивалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Унда Хоразм вилояти қўғирчоқ театри ижодий жамоаси ҳам ўз бадиий чиқишлари билан қатнашди. Театрда махсус тайёрланиб, миллий қўғирчоқлар билан безатилган ва қадим ҳунармандчилигимиз рамзи сифатидаги декоратив арава ёрдамида намойиш этилган бу композициялар халқаро миқёсдаги фестивалга ташриф буюрган иштирокчилар, меҳмонлар ҳамда кўҳна шаҳарга саёҳат учун келган хорижий ҳамда маҳаллий сайёҳларга завқ бағишлаб, кўтаринки кайфият улашди.



Ҳунармандчилик



# Амир Темур
## муҳр-узуги нусхаси яратилди

**Қўқон шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро ҳунармандчилик фестивалида Қашқадарё вилоятидан 60 нафар ҳунарманд 23 та йўналиш бўйича иштирок этди. Улар орасида яқинда "Мард ўғлон" давлат мукофоти билан тақдирланган ғузорлик Шарифжон Раупов ҳам бор.**

Ҳунарманд шу кунга қадар дунёнинг энг нуфузли музейларида сақланаётган энг қадимий миллий заргарлик буюмларимизнинг 400 дан ортиқ турини қайта тиклашга муваффақ бўлди.

*— Бу қадимий ва ноёб турларни тиклаш учун жаҳонда эътироф этилган музейларнинг расмий интернет сайтлари, китоблар, журналларни мунтазам кузатганман, — дейди ҳунарманд Шарифжон Раупов. — Мамлакатимиздаги деярли барча музейларда бўлганман. Чунки ҳар қайси ҳунармандининг келажаги ва ижод сермаҳсуллиги унинг ижодий ёндашувига боғлиқ. Эътиборли жиҳати ва хулосам шуки — ҳар қандай заргарлик буюмлари шунчаки яратилмаган. Балки ҳар бирининг ўзига хос маъно ва мазмуни, моҳияти, яратиш усули, устанинг ўзига хос йўли мужассам бўлган. Заргарлар тили билан айтганда ҳар бир санъат намунаси ўзини "танитиб" турган.*



*Икки йил олдин соҳибқирон бобомизнинг узуклари ҳақида ўқиб қолдим. Шундан бери у ҳақида маълумот тўплайман. Юзлаб саволлар тинчлик бермайди. Узук мавжудми? Ҳозир қаерда сақланяпти? У нега мамлакатимизда эмас? Аслини кўриб ундан нусха олса бўладими?.. Бу узук тарих силсиласида қанчадан-қанча талотўп урушлар ва ривожланишларга гувоҳ бўлмади дейсиз!*

*Хуллас, узукнинг аслидек нусха ясаш фикри буткул мени ўзига "касал" қилди. 24 тўрт ой тинимсиз изланиш билан шу ноёб узукнинг нусхасини тиклашга муваффақ бўлдим. Гардишидаги нақшлар, айлана қирғоғидаги арабий ёзувлар, узук кўзидаги нефрит тошидан қилинган муҳр белгиси — ҳаммасини аслидек ўхшатишга ҳаракат қилдим.*

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, тарихчи Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, 1405 йилда Хитойга юриши чоғида вафот этган А.Темурнинг жасади Самарқандга юборилишидан аввал Ўтрорда Сароймулкхоним, Амир Шоҳмалик ва Амир Шайх Нуриддинлар ўзаро келишиб Соҳибқироннинг васиятига кўра, салтанат муҳри ўз аксини топган унинг узуги, қиличи ва отини Хуросон пойтахти Ҳирот шаҳрига — Шоҳрух Мирзога юборишади. Шоҳрух Мирзонинг вафотидан сўнг тарихдан анча "ўчиб" кетган узук бирданига Ҳусайн Бойқаро қўлида "пайдо бўлади". Бойқаро вафотидан сўнг дафн пайти ҳам узук унинг қўлидан олинмайди. 1965 йилга келиб ўша пайтдаги Афғонистон қироли таклифи билан шоҳнинг қабри очилиб, узук олинади ва олимлар томонидан қирол Муҳаммад Зоҳиршоҳга совға қилинади. Унинг жияни Муҳаммад Довуд 1973 йилда давлат тўнтариши қилгандан сўнг муҳр-узукни АҚШ нинг Метрополитен музейига сотиб юборади. Айни пайтда муҳр-узук шу музейда сақланмоқда.

**Элёржон ЭҲСОНОВ,**
**Хурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар.**

Қонун лойиҳаси

# Таклиф ва тавсиялар
## асосида такомиллаштирилди

**Айни кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Маданият тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинмоқда, деб ёзади Маданият вазирлигининг Юридик бюро бошлиғи У.Бурханов.**





Қайд этилишича, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталарида депутатлар томонидан бир қатор муҳим қонун лойиҳалари муҳокама қилинмоқда. Хусусан, парламент қуйи палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси депутатлари ва Ишчи гуруҳи яқинда биринчи ўқишда қабул қилиниб, иккинчи ўқишга тайёрланаётган "Таълим тўғрисида"ги, "Мактабгача таълим тўғрисида"ги, шунингдек, "Маданият тўғрисида"ги қонун лойиҳаларини маромига етказмоқда.

9 сентябрь куни Ўзбекистон тарихида илк маротаба қабул қилинаётган "Маданият тўғрисида"ги қонун лойиҳаси юзасидан навбатдаги Ишчи гуруҳи муҳокамаси бўлиб ўтди ва мазкур лойиҳа моддама-модда муҳокама этилиб, таклиф ва тавсиялар асосида янада такомиллаштирилди.

Янгиланаётган ва ўзгараётган Ўзбекистон тараққиётининг бугунги босқичида маданият ва санъатнинг ўрни ҳамда аҳамиятини тубдан ошириш талаб этилмоқда. Зеро, маданият шахс ва жамият камолоти, дунёқарашининг шаклланиши ҳамда ривожланишида алоҳида аҳамиятга эга.

Лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида маданият соҳасидаги миллий ва хорижий тажриба чуқур ўрганилди, қонуности ҳужжатларининг тўлиқ инвентаризацияси ўтказилди, жойлардаги маданият ташкилотларининг фаолияти таҳлил қилинди. Натижада қонун лойиҳаси юридик техника қоидаларига тўлиқ мувофиқлаштирилди. Битта алоҳида боб ҳамда ўндан ортиқ янги моддалар, жумладан, "Маданият соҳасидаги ходимларнинг ижтимоий ҳимояси" номли янги боб, "Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси", "Ижод эркинлиги", "Кинематография ташкилоти", "Ахборот-кутубхона", "Музей", "Маданият соҳасидаги галерея", "Студия", "Маданият соҳасидаги устахона", "Маданият соҳасидаги тадқиқот марказлари", "Маданият соҳасидаги таъмирлаш марказлари", "Маданият ташкилотларида хизмат нархини белгилаш", "Маданият соҳасида ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш", "Маданият ва санъат соҳасидаги таълим муассасалари ва ташкилотлари" каби янги моддалар билан тўлдирилди.

Шунингдек, лойиҳада Вазирлар Маҳкамаси, Маданият вазирлиги ҳамда маҳаллий давлат ҳокимият органларининг ваколатлари такомиллаштирилиб, уларга янги вазифалар юклатилиши белгиланмоқда.

Энг муҳими, мазкур қонун лойиҳасига миллий амалиёт ва хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, "Ўзбекистон Республикасидан ташқарида истиқомат қилаётган ватандошлар билан маданий ҳамкорлик"ка оид алоҳида модда киритилди. Унда миллий маданиятни хорижда ривожлантириш мақсадида юртимиздан ташқарида истиқомат қилаётган ватандошлар ва уларнинг авлодлари билан алоқаларни қўллаб-қувватлаш, миллий маданият марказларини ташкил этиш ва маданий тадбирларни ҳамкорликда ўтказиш, хорижда истиқомат қилаётган ижодкор зиёлилар ва санъаткорларнинг Ватанга қайтиши учун давлат томонидан шароитлар яратишга оид нормалар белгиланди.

Илк бор қабул қилиниши кутилаётган "Маданият тўғрисида"ги қонун лойиҳаси юртимизда маданият соҳасини янада тараққий эттириш, бу борадаги муносабатларни тартибга солиш ва ривожлантиришга хизмат қилади.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Маданият вазирлиги**
**Ахборот хизмати**

Тайинлов

## “Ўзбеккино”-нинг янги директори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорига биноан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Фирдавс Абдухолиқов “Ўзбеккино” Миллий агентлигининг директори этиб тайинланди.

Ф.Абдухолиқов раҳбарлигида ЎзЭОАВМА томонидан Россия телеканаллари билан ҳамкорликда “Ўзбекистон — қумликлар жавоҳири”, “Қорақалпоғистон вақт қумликлари оралаб”, “Ўзбекистон. Қўлга киритилган кашфиётлар”, “Нукус. Номаълум коллекция” сингари ҳужжатли фильмлар суратга олинган.

У хорижий компаниялар билан биргаликда кўплаб медиалойиҳалар (“Катта Лангар Қуръони: сирлар ва ҳақиқатлар” ҳужжатли фильми каби)-ни амалга ошириб келмоқда.

Ф.Абдухолиқов, шунингдек, 2018 йилда Санкт-Петербургда “Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларида” лойиҳаси доирасида ўтказилган II Халқаро конгрессда 300 дан ортиқ жаҳон олимлари ташаббуси билан тузилган Ўзбекистон маданий меросини асраш, ўрганиш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамиятининг раиси ҳисобланади.



Халқаро фестиваль







# Амир Темур ва Алининг қиличи

**2002 йилдан буён “Ташаббус” кўрик-танловларининг вилоят босқичида мунтазам иштирок этаётган Чуст туманилик пичоқчи Баҳром Мамажонов усталар сулоласининг иккинчи авлоди. У Халқаро ҳунармандчилик фестивалида 20 дан ортиқ шогирдлари билан ўз маҳсулотларини намойиш этди.**

Ҳунарманднинг “хазинаси”-дан жой олган миллий ҳунармандчилик маҳсулотларини кўздан кечирар экансиз, тарих китоблари ҳамда афсоналардан бизга маълум ва машҳур халифа Алининг қиличига кўзингиз тушади. Узунлиги 1,5 метр, эни 8 сантиметрлик ушбу қилич фестивалнинг ҳеч бир иштирокчисини бефарқ қолдирмади.

– 360 хил пичоқ ва 96 турдаги *қилич намуналари билан халқаро фестивалда иштирок этдик,* – дейди Б.Мамажонов. *—Икки куннинг ўзидаёқ иштирокчилар 34 дона сувенир пичоқ ва 13 дона совға учун қилич харид қилишди. Қўлимда турган пичоқчага эътиборингизни қаратмоқчиман. Дандон пичоғини асосан савдогарлар ёки мунтазам мусофирчиликда юрувчи фуқаролар белига тақиб юрган. Буни ҳунармандлар жуда юқори баҳолашади. Унинг сопи филнинг тишидан, қини ва гулбанди (соп ва тиғни боғловчи қисм) тоза кумушдан ясалган. Дандон пичоғини қийинчиликда сотиб, эҳтиёжига ишлатадиган аёлларнинг қимматбаҳо тақинчоқларига қиёслаш мумкин. Агар савдогар ишлари юришмай қолса ёки саёҳат давомида пулга кучли эҳтиёж сезса, бошига ташвиш тушиб қолса, ёнидаги дандон пичоғини савдогарларга гаровга қўйган ёки кимошди савдосига ўхшаш удум билан сотиб юборган. Маблағга боғлиқ муаммоларини шу тариқа ҳал этишган.*

*Қўлимдаги дандон сопли пичоғи менинг бобокалонимдан қолган. Ҳозир ҳам уни жуда қадрлайман. Унинг нафислиги ва ўзига хос тароватi менга ижодда куч бағишлайди.*

Фестивалга Андижоннинг Шаҳрихон туманидан келган Содиқжон Неъматов Амир Темурнинг дамашқий қиличи намунасини кўргазмага қўйди. Мўътабар қиличнинг ўрта қисмида “Куч адолатдадир” деган ёзуви бор. Маҳобатли ушбу қилични диққат билан кўздан кечирар экансиз, кўз ўнгингизда тарих гавдаланади.

Уста С.Неъматов пичоқчилик ишлари давомида қадимий “Дамашқ пўлати”ни қайта тиклашга муваффақ бўлди. Унинг таъкидлашича, қадимда мусулмон оламига машҳур Дамашқ шаҳрида қурол-яроғ учун хомашё бозори бўлган. Аслида Дамашқ пўлати бу шаҳарда кашф этилмаган. Уни Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманидаги қадимий гўша – Ахсикентда ўйлаб топишган. Буни яқинда япониялик олимлар Ахсикентдан қазиб олинган топилмалар билан исботлашди. Фақатгина савдогарларимиз бу ердан олиб бориб Дамашқ бозорида сотишгани учун “Дамашқ пўлати” номи билан машҳур бўлган.

*– Дамашқ пўлатидан қилич ва пичоқларнинг тиғ қисми ясалган,* – дейди ҳунарманд Содиқжон Неъматов. *– Унинг асосий хусусияти – жангларда қурол тиғи бир-бири билан тўқнашганда қайрилиб кетмаган, аксинча, рақиб қуролини яроқсиз аҳволга келтириб қўйган. Узоқ муддат давомида чархлаш шарт бўлмаган. Бу ноёб пўлат тури чўян, темир ва турли углеводлар аралашмасидан тайёрланади. Ўтда тобланаётган пайтда бир жойнинг ўзига 300 маротабадан кўп урилади ва пишиқ бўлиб етилади. Буни пичоқчи ҳунармандлар тилида 300 қават дейиш мумкин.*

Бундан ташқари, шаҳрихонлик уста Амир Темур даврида хуфиялар, элчилар мунтазам ишлатган, камар сифатида тақиб юрилган, эгилувчан эластик қилич материалининг қадимий турини ҳам қайта тиклашга эришди.

**Элёржон ЭҲСОНОВ,**
**Хурсандбек АРАББОЕВ**
**олган суратлар**

Фестиваль таассуротлари

# Қирқ қулоқли ҚОЗОН

**Халқаро ҳунармандчилик фестивалига юртимизнинг ва дунёнинг турли бурчакларидан ҳунармандлар энг сара маҳсулотларини келтиришди. Тошкент вилояти ҳудудидаги кўргазмалар орасида ёғоч маҳсулотларидан тайёрланган қирқ қулоқли қозонни ёғочга ишлов беришнинг ҳадисини олган уста Шавкат Юсупов ясаган. У Амир Темур ҳадя қозонининг кичикроқ кўринишини эслатади.**



*— Ёғочга жило беришни устозларим — Эргаш Сафаров, Ўзбекистон халқ устаси Камолиддин Қорабоев ва Жамшид Нурбобоевлардан ўрганганман,* — дейди “Ташаббус-2019” республика кўрик-танлови ғолиби, ҳунарманд Шавкат Юсупов. *— Туркистонда қадимий масжид реконструкциясида иштирок этганимда, Хўжа Аҳмад Яссавий зиёратгоҳида Амир Темур ясаттирган қирқ қулоқли қозонни кўриб, менда унинг кичикроқ нусхасини ясаш нияти туғилган эди, Бу қозонни Амир Темур музейига ҳадя қилиш мақсадида эдим. Ясаган қозонимга давлатимиз раҳбарининг назари тушиб, “Буни аввало халқимиз кўриши керак” дея эътироф этди. Шу эътироф туртки бўлиб, қозонни фестивалда халқимиз ва хорижий давлатлар ҳунармандларига намойиш этяпман. Бу қозон 4800 та ёғоч бўлагидан 5 йил давомида ясалган. Қозондаги араб ҳарфларидаги битикларни тажрибали хаттотларга аслидагидек ёздириб, ўша асосда ясаганман. Мен ҳунарим билан қадр топдим, ризқ топдим. Ёғочга ишлов бериш сирларини етмишдан зиёд шогирдларимга ҳам ўргатяпман.*

“Ягонасан, муқаддас Ватан!”

# Республика босқичи ғолиблари эълон қилинди

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 28 йиллигига бағишлаб ўтказилган Ватанни мадҳ этувчи қўшиқлар танлови жорий йилда “Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!” шиори остида ўтказилди.

Мазкур анъанавий танлов Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 7 апрелдаги “Ягонасан, муқаддас Ватан!” Республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида”ги ҳамда 2019 йил 8 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Қарорлари асосида Маданият вазирлиги, Ички ишлар, Мудофаа, Олий ва ўрта-махсус таълим вазирликлари, Ўзбекистон Миллий гвардияси ҳамда Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси, “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси тизимида ташкил этилди.

Ёш, жанр ва бошқа чегаралар белгиланмаган, она Ватанни мадҳ этувчи қўшиқлар яратиш мақсадида ташкил этиб келинаётган кўрик-танловнинг дастлабки босқичларида ҳаваскор ва профессионал ижрочилар ҳамда халқ ва намунали унвонига эга бўлган ҳаваскорлик жамоалари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари вакиллари, академик ва халқ бадиий жамоаларининг иқтидорли ижодкорлари ижод намуналари билан қатнашдилар.

Ҳакамлар ҳайъатининг хулосасига кўра, Нафиса Фармонова ва Нуриддин Баҳриев 1-ўринни, Шохбос Хабиев ва Ҳусниддин Ҳалимқулов 2-ўринни, ИИВ Маданият саройи қўшиқ ва рақс ансамбли, Наурыз Махаммадияров ва ака-ука Бобожоновлар жамоаси 3-ўринни қўлга киритишди.

Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!

## Шу азиз Ватан барчамизники!



Андижон вилояти Шаҳрихон туман маданият маркази бадиий ҳаваскорлари "Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!" шиори остида турли байрамона тадбирларни уюштиришди.

Жумладан, "Абдубий", "Найнаво", "Найман", "Сегазақум" ва "Чўжа" маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳолиси учун намойиш этилган "Шу азиз Ватан барчамизники" деб номланган концерт дастурлари барчага кўтаринки кайфият улашди. Туман ҳокимлиги, маданият бўлими тасарруфидаги "Чашма" ашула ва рақс халқ ансамбли, хотин-қизлар, ёшлар иттифоқи ва маҳалла бўлимлари ҳамкорлигида амалга оширилган бу тадбирларда ансамбль хонандалари — А.Баҳромов, М.Раҳмонова, Р.Раҳмонов, Э.Аҳмаджонов, А.Бакиров, З.Рустамов, Б.Ҳамдамовлар ўзларининг шўх қўшиқлари билан йиғилганларни рақсга чорлашди.

**А.БАҲРОМОВ,**
**"Чашма" ашула ва рақс халқ ансамбли бадиий раҳбари**

Музей заллари бўйлаб...

# Хоразмда қовунлар кўргазмаси

Хивадаги "Ичан қалъа" давлат музей кўриқхонасининг "Табиат" бўлимида "Хоразм қовунлари" кўргазмаси очилди. Хорижлик ва маҳаллий сайёҳлар учун бу ерда "Ширинпечак", "Сариқ гулоби", "Обинаввот", "Гурвак", "Жийда гули" ва бошқа навли қовунларни нафақат томоша қилиш ва етиштириш агротехникаси ҳақидаги маълумотлар билан танишиш, балки бевосита мазасини татиб кўриш имкониятлари яратилди. Бундан баҳраманд сайёҳлар деҳқонлар меҳнатига, табиат неъматларига таҳсинлар айтишмоқда.

Ўн беш кун давом этадиган кўргазманинг "Рақс сеҳри" фестивали ўтаётган кунларига тўғри келгани иштирокчилар учун ўзига хос совға бўлди.

— Музей-қўриқхонанинг ушбу экспозициясидан ўлкамиз ҳайвонот ва набобат оламига оид 300 дан зиёд нодир экспонатлар ўрин олган, — дейди бўлим мудири Бахтиёр Ибрагимов. — Яқинда Бектурди Салаев ва бошқа ҳамкасбларимиз томонидан ўтказилган илмий экспедициялар, изланишлар туфайли бўлим янги экспонатлар билан бойитилди.

**Мақсуда КАРИМОВА,**
**"Ичан қалъа" давлат музей қўриқхонаси илмий ходими**

Ташаббус ижроси амалда

# Эртамиз эгалари истиқболи йўлида



13 сентябрь куни Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги "Кулла" маданият марказида "Бешта муҳим ташаббус — эртамиз эгалари истиқболи йўлида" шиори остида маданий тадбир ташкил этилди.

Унда "Кўприкбоши", "Бозорбоши" маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда ҳудуддаги 10, 11-умумтаълим мактаблари ўқувчилари, шунингдек, 16-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари Президентимиз илгари сурган беш муҳим ташаббус моҳиятини акс эттирувчи ижодий ишлар кўргазмаси ҳамда кўргазмали чиқишларини намойиш этишди. Тадбирга туман маданият марказининг хонандалари — Ш.Хотамов, И.Рўзибоев, М.Хидиров, М.Юлдашевлар ўзларининг куй-қўшиқлари, маданият маркази қошида ташкил этилган "Ифтихор" ёшлар жамоаси эса "Беғубор кулги" деб номланган ҳажвий чиқишлари билан янада файз киритишди.

**Паҳлавон АБДУКАРИМОВ,**
**Булоқбоши туман "Кулла" маданият маркази директори**

Янги мавсум

# Саҳнада — "Имом Бухорий" тарихий драмаси



Бухоро вилояти мусиқали драма театрининг 89-мавсуми драматург Усмон Қўчқорнинг "Имом Бухорий" тарихий драмаси билан бошланди. 12 сентябрь куни намойиш қилинган ушбу асарни режиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нодира Мўминова саҳналаштирган.

Уни намойиш этишдан асосий мақсад буюк аждодларимизнинг ибратли ҳаётини ўрганиш, уларнинг бой маданий меросидан баҳраманд бўлиш ва ёшларни улар асосида тарбиялаб боришдир.

Спектакль қаҳрамонларини устоз актёрлар билан бир қаторда ёш ижодкорлар ҳам талқин қилишди.






# "Тўмарис" томашабинларга манзур бўлди

Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театрида 11 сентябрь куни янги 81-мавсумнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Маросимни Ўзбекистон Республикаси Театр арбоблари уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб Аҳмедов очиб, ижодкорларни янги мавсум билан қутлади.

Театр жамоаси томонидан тайёрланган концерт дастурини мухлислар илиқ кутиб олишди. Шу куни театр репертуаридан ўрин олган "Тўмарис" спектакли ҳам томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. Мазкур саҳна асари драматург Ҳолиқ Хурсандов қаламига мансуб бўлиб, Баҳодир Назаров томонидан саҳналаштирилган.

# Ҳаётий фалсафага йўғрилган асар



10 сентябрь куни Самарқанд вилоят мусиқали театрининг ёзги павильонида янги 105-мавсумнинг очилиши тантанали нишонланди.

Олий таълим даргоҳлари ўқитувчилари, вилоят ва шаҳар ҳокимлиги вакиллари, шоир ва бастакорларидан иборат театр мухлислари, шунингдек, Франция ва Италиядан келган хорижлик меҳмонлар иштирок этган тадбирда отахон театр қошида ташкил этилган "Самарқанд" фольклор этнографик ансамблининг концерти намойиш этилди. Вилоят маданият бошқармаси бошлиғи ўринбосари Б.Тугалов ва театр директори К.Қоржововлар барчани жамоа номидан қутлаб, мавсум янгиликлари билан қисқача таништиргач, меҳмонлар театр бош рассоми, халқаро танловлар совриндори Б.Сафоев ижодига мансуб "Эслаб" деб номланган расмлар кўргазмасига таклиф этилди.

Театрдаги янги мавсум турк драматурги Тунжар Жўжанўғли асари асосида саҳналаштирилган "Кўчки" спектакли билан бошланди. Ҳаётий фалсафага йўғрилган асар актёрларнинг маҳоратли ижроси билан янада таъсирли чиққанини узоқ давом этган олқишлардан ҳам билиш мумкин эди.

Самарқанд вилоят мусиқали драма театри 1914 йил 15 январда Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг "Падаркуш" драмаси билан ўз ижодий фаолиятини бошлаган. Ўша пайтларда театр "Самарқанд мусулмон труппаси" деб аталган.

# Сирдарёнинг "Момо ер"и



12 сентябрь куни Сирдарё вилояти мусиқали драма театри ижодкорлари ҳам Гулистон шаҳрининг "Дўстлик" қўрғонидаги "Дўстлик" маданият марказида навбатдаги 45-мавсум очилишини тантанали нишонлашди.

Бу ерда театр санъати ихлосмандларини созанда ва хонандалар дилрабо куй-қўшиқлар билан кутиб олишди. Бино ичида эса уларга миллий қаҳрамонларимиз қиёфасидаги тарихий сиймолар пешвоз чиқишди. Сал нарида Эркин Воҳидов асари асосида саҳналаштирилаётган "Матмуса" спектаклидан мусиқий кўриниш, унинг ёнида "Инсон ўзинг..." спектакли декорацияси барчани ҳайратга солди.

Бир сўз билан айтганда, театр бош режиссёри Мансур Ҳолиқов, серқирра ижодкор Қандиёр Рустамов ва рассом Исмат Юнусовлар томонидан қизиқарли тарзда театрлаштирилган бадиий композиция ўзига хос узвийликни таъминлаб, санъат ихлосмандларига хуш кайфият бағишлади.

Тадбирнинг очилиш маросимидан сўнг Чингиз Айтматов асари асосида саҳналаштирилган "Момо ер" спектакли намойиш этилди.

Сирдарё театри жамоаси бу йил уч йиллик таъмирланишдан сўнг янгича қиёфа касб этган бинода фаолиятини бошлайди.

"Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!"

## "Устозни ёд этиб..."



Бухоро вилояти Вобкент туманидаги 8-болалар мусиқа ва санъат мактабида қўшиқлари билан халқимиз қалбидан жой олган марҳум санъаткор — Муҳриддин Холиқовнинг ёрқин хотирасига бағишланган адабий-мусиқий кеча бўлиб ўтди.

"Устозни ёд этиб" деб номланган ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 28 йиллиги муносабати билан "Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!" шиори остида ташкил этилди. Унга ташриф буюрган фахрийлар, санъат намояндалари хонанда ҳақидаги хотираларини ёдга олишди, ибратли фазилатлари ҳақида ёшларга сўзлаб беришди.

Тадбир якунида мактабдаги вокал чолғу ансамблининг Муҳриддин Ҳолиқов қўшиқлари асосидаги концерти намойиш этилди.

Реклама

**Аукцион савдолари хабарномаси**

### "BEST AUKSION SAVDO" масъулияти чекланган жамияти Бухоро шаҳар Ҳофиз Таниш Бухорий кўчаси, 28-уй манзилида бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига таклиф этади

**I. 2019 йил 22 октябрь куни соат 11:00 да** ташкил қилинадиган савдоларга Бухоро вилоят "Озод обод транс" шўъба хўжалик жамиятининг буюртма-хатига асосан жамият ҳисобидаги **1 лот** бошланғич баҳоси 111 380 000 сўм бўлган, 2017 йилда и/ч, ISUZU SAZ HC 40 русумли д/р 80/964ABA бўлган автобус; **2 лот** бошланғич баҳоси 110 570 000 сўм бўлган, 2017 йилда и/ч, ISUZU SAZ HC 40 русумли д/р 80/257CBA бўлган автобус; 3 лот бошланғич баҳоси 112 190 000 сўм бўлган, 2017 йилда и/ч, ISUZU SAZ HC 40 русумли д/р 80/261CBA бўлган автобус;

**II. 2019 йил 22 октябрь куни соат 12:00** да ташкил қилинадиган савдоларига Бухоро вилоят "Ватанпарвар" ташкилоти Ғиждувон автомобиль мактабининг буюртма-хатига асосан мактаб ҳисобидаги 1 лот бошланғич баҳоси 8 390 000 сўм бўлган, 1996 йилда и/ч, "Тико" русумли д/р 80/801КАА бўлган автотранспорт воситаси; 2 лот бошланғич баҳоси 8 370 000 сўм бўлган, 1996 йилда и/ч, Тико русумли д/р 80/798КАА бўлган автотранспорт воситаси; 3 лот бошланғич баҳоси 8 9 060 000 сўм бўлган, 1997 йилда и/ч, "Тико" русумли д/р 80/796КАА бўлган автотранспорт воситаси;

**III. 2019 йил 22 октябрь куни соат 12:00 да** ташкил қилинадиган савдоларига "Қоровулбозор нефтгаз ишчилари таъминоти" масъулияти чекланган жамиятининг 17.09.2019 йилдаги 01/148-сонли буюртма-хатига асосан жамият ҳисобидаги бошланғич баҳоси 3 120 000 сўм бўлган, 2008 йилда и/ч, ЛАДА 21154-120-20 русумли д/р 80/242 ВАА бўлган енгил автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

2019 йил 22 октябрь куни аукцион савдолари ўтказилмаган ЛОТ бўйича 2019 йил 29 октябрь, 5, 12, 19, 26 ноябрь ҳамда 3, 10, 17, 24 декабрь кунлари такрорий аукцион савдолари ташкил қилинади.

**Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар диққатига!**

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловларни тўлаш тартиби ва муддати олди-сотди шартномасида белгиланади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар аукцион ташкилотчиси томонидан Бухоро шаҳар, Ҳофиз Таниш Бухорий кўчаси, 28-уй (2-қават) манзилида аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб аукцион савдоси ўтказилиши белгиланган санадан бир кун олдин бўлган муддатга қадар (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар аукцион ташкилотчиси билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдордаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: "BEST AUKSION SAVDO" масъулияти чекланган жамияти СТИР 305300366, МФО 00115, АТБ Қишлоқ қурилиш банки Бухоро минтақавий филиалидаги ҳисоб рақами 20208000300842711002.

**Аукцион ташкилотчиси – "BEST AUKSION SAVDO" масъулияти чекланган жамияти.**

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил: Бухоро шаҳар Ҳофиз Таниш Бухорий кўчаси, 28-уй (2-қават). Тел: +998 91 414-97-00.

E-mail: bas_savdo@mail.ru, гувоҳнома № 576174

**Аукцион савдолари хабарномаси!**

### "KO'CHMAS MULK FINANS INVEST" масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади

**2019 йил 23 октябрь куни соат 11:00 да** ташкил қилинадиган савдоларга АТБ "Турон банк" Чилонзор филиалининг 16.09.2019 йилдаги 06/03-3446-сонли буюртма-хатига асосан банк ҳисобидаги Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани "Барданкўл" ҚФЙ, Дўстлик маҳалласидаги Баҳор кўчаси, 16-уйда жойлашган, умумий ер майдони 1643,0 кв.метр, қурилиш майдони 904,21 кв.метрдан иборат бўлган офис ва омборхона бинолари қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 649 480 000 (олти юз қирқ тўққиз миллион тўрт юз саксон минг) сўм.**

**Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар диққатига!**

2019 йил 23 октябрь куни аукцион савдолари бўлиб ўтмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2019 йил 30 октябрь ва 6 ноябрь кунлари ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар аукцион ташкилотчиси томонидан расмий иш кунлари – 2019 йил 23 октябрь кунидаги савдо учун 22 октябрь кунига қадар, 2019 йил 30 октябрь кунидаги савдо учун 29 октябрга қадар, 2019 йил 6 ноябрь кунидаги савдо учун 5 ноябрь куни соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар аукцион ташкилотчиси билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдордаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: "KO'CHMAS MULK FINANS INVEST" масъулияти чекланган жамияти СТИР 304815549, МФО 00452, АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" Тошкент шаҳар минтақавий филиали ҳисоб рақами 20208000900759233001.

Аукцион савдосига қўйилган мулк билан банк ходими иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион ташкилотчиси – "KO'CHMAS MULK FINANS INVEST" масъулияти чекланган жамияти.

Буюрманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил: Тошкент шаҳар, А.Темур 1-тор кўчаси, 2-уй. **Тел: +998 99 862-16-71.**

E-mail: mkmfi@mail.ru Лицензия № RR-0297

### ТУЗАТИШ

"Best auksion savdo" МЧЖ томонидан "Маданият" газетасининг 22.08.2019 йилдаги № 34 (64)-сонида берилган эълоннинг "3-ЛОТ бошланғич баҳоси 159 781 000 сўм, 2004 йилда и/ч, д/р 01 878 ТАА бўлган "Мерседес Бенц" русумли енгил (седан) а/в" деган жумласи

"3-ЛОТ бошланғич баҳоси 59 781 000 сўм, 2004 йилда и/ч, д/р 01 878 ТАА бўлган "Мерседес Бенц" русумли енгил (седан) а/в" деб ўқилсин.

**Аукцион савдолари хабарномаси**

### "BEST AUKSION SAVDO" масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади

**I. 2019 йил 15 октябрь куни соат 11:00 да** ташкил қилинадиган савдоларга 7532-ҳарбий кисмнинг 09.09.2019 йилдаги 20/12-2113-сонли буюртмасига асосан ҳарбий қисм ҳисобидаги қуйидаги автотранспортлар алоҳида ЛОТ тартибида чиқарилмоқда. 1. Бошланғич баҳоси 9 223 000 сўм, 2000 йилда и/ч, д/р 01 257 SCA, техник ҳолати носоз бўлган "Otoyo'l" русумли юк а/в. 2. Бошланғич баҳоси 10 276 000 сўм, 2000 йилда и/ч, д/р 01 240 SCA, техник ҳолати носоз бўлган "Otoyo'l" русумли юк а/в. 3. Бошланғич баҳоси 9 223 000, 2000 йилда и/ч, д/р 01 244 SCA, техник ҳолати носоз бўлган "Otoyo'l" русумли юк а/в. 4. Бошланғич баҳоси 9 223 000, 2000 йилда и/ч, д/р 01 243 SCA, техник ҳолати носоз бўлган "Otoyo'l" русумли юк а/в, 5. Бошланғич баҳоси 4 268 000, 1992 йилда и/ч, д/р 01 206 SCA, техник ҳолати носоз бўлган УАЗ 31512 русумли енгил а/в, 6. Бошланғич баҳоси 4 820 000, 1998 йилда и/ч, д/р 01 270 SCA, техник ҳолати носоз бўлган УАЗ 31512 русумли енгил а/в, 7. Бошланғич баҳоси 5 633 000, 1999 йилда и/ч, д/р 01 205 SCA, техник ҳолати носоз бўлган "Дамас" русумли енгил а/в, 8. бошланғич баҳоси 15 957 000, 1996 йилда и/ч, д/р 01 238 SCA, техник ҳолати носоз бўлган ЗИЛ 433362 русумли юк а/в, 9. Бошланғич баҳоси 13 261 000, 1985 йилда и/ч, д/р 01 224 SCA, техник ҳолати носоз бўлган ЗИЛ 131 русумли юк а/в.

**ТАЛАБГОРЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Аукцион савдоси ўтказилмаган мулк бўйича такрорий аукцион савдоси 2019 йил 23 октябрь, 30 октябрь ҳамда 6 ноябрь кунлари соат 12:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар аукцион ташкилотчиси томонидан расмий иш кунлари 2019 йил 15 октябрь кунидаги савдо учун 14 октябрь, 23 октябрь кунидаги савдо учун 22 октябрь, 30 октябрь кунидаги савдо учун 29 октябрь кунига, 6 ноябрь кунидаги савдо учун 5 ноябрь кунига кадар (байрам ва дам олиш) кунларидан ташқари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар аукцион ташкилотчиси билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 50 фоизи миқдордаги закалат пулларини тўлашлари ҳмда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси, шунингдек, савдода қатнашувчи ишончли вакил учун белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолиби бўлган талабгорлар томонидан аукцион ташкилотчисининг ҳисоб рақамига мулк сотилиш нархининг 2,0 (икки) фоизи миқдорида комиссион йиғимини ҳамда қўшимча хизматлар учун пул тўловларини тўлаб беради.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: "BEST AUKSION SAVDO" MChJ, х/р: 20208000500842710001, АТБ Қишлоқ қурилиш банк Тошкент шаҳар минтақавий филиали МФО: 00452, СТИР: 305300366.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан ҳарбий қисм хизматчилари иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил: Навоий шаҳар, Спутник кўрғони С.Айний кўчаси, 1-уй.

**Тел: (99) 862-16-71,** E-mail: bas_savdo@mail.ru гувоҳнома № 576174.

**I. 2019 йил 17 октябрь куни соат 11:00 да** ташкил қилинадиган савдоларга Сирдарё вилояти Сирдарё тумани "Мурувват" ногиронлар учун аёллар интернат уйиинг 16.08.2019 йилдаги 03/151-сонли буюртмасига асосан интернат ҳисобидаги 2005 йилда и/ч, д/р 20 179 ЕАА, техник ҳолати носоз бўлган ГБАСПГ "Дамас" русумли енгил а/в чиқарилмоқда. Бошланғич баҳоси 4 444 000 сўм.

**II. 2019 йил 17 октябрь куни соат 12:00 да** ташкил қилинадиган савдоларга Қашқадарё вилояти Косон тумани Тиббиёт бирлашмасининг 09.09.2019 йилдаги 01-Н/502-сонли буюртмасига асосан бирлашма ҳисобидаги қуйидаги автотранспортлари алоҳида ЛОТ тартибида чиқарилмоқда. 1. Бошланғич баҳоси 3 955 000 сўм, 2005 йилда и/ч, д/р 70 857 ОАА, техник ҳолати носоз бўлган "Дамас" русумли енгил а/в, 2. Бошланғич баҳоси 3 955 000 сўм, 2005 йилда и/ч, д/р 70 258 RAA, техник ҳолати носоз бўлган "Дамас" русумли енгил а/в.

**ТАЛАБГОРЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Аукцион савдоси ўтказилмаган мулк бўйича такрорий аукцион савдоси 2019 йил 25 октябрь, 1 ноябрь ҳамда 8 ноябрь кунлари соат 12:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар аукцион ташкилотчиси томонидан расмий иш кунлари – 2019 йил 25 октябрь кунидаги савдо учун 24 октябрь, 1 ноябр кунидаги савдо учун 31 октябрь, 8 ноябрь кунидаги савдо учун 7 ноябрь кунига кадар (байрам ва дам олиш) кунларидан ташқари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар аукцион ташкилотчиси билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 50 фоизи миқдордаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси, шунингдек, савдода қатнашувчи ишончли вакил учун белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолиби бўлган талабгорлар томонидан аукцион ташкилотчисининг ҳисоб рақамига мулк сотилиш нархининг 3,0 (уч) фоизи миқдорида комиссион йиғимини ҳамда қўшимча хизматлар учун пул тўловларини тўлаб беради.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: "BEST AUKSION SAVDO" MChJ, х/р: 20208000500842710001, АТБ Қишлоқ қурилиш банк Тошкент шаҳар минтақавий филиали МФО: 00452, СТИР: 305300366.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан ҳарбий қисм хизматчилари иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

Буюртманомаларни қабул килиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил: Тошкент шаҳар, А.Темур 1-тор кўчаси, 2-уй.

**Тел: (99) 862-16-71,** E-mail: bas_savdo@mail.ru гувоҳнома № 576174.

Музейлар фаолиятидан

## “Ичан қалъа” – 150 минг долларлик грант совриндори



Хивадаги “Ичан қалъа” музей қўриқхонаси жамоаси Тошҳовли саройини таъмирлаш учун 150 минг долларлик АҚШ давлат грантини ютгани тўғрисидаги ҳужжатни қўлга киритди.

Ушбу грантга эга бўлиш бўйича ишлар йил бошидан бошланган эди. 12 сентябрь куни ушбу ҳужжат АҚШ маданий мерос дастури бўйича менежери, олима Лаура А.Тедеско ва АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиласи, маданият ва дастурлар бўйича атташе ёрдамчиси Мухлиса Расуловалар томонидан музей-қўриқхона директори Шоназар Матёқубовга топширилди.

Грант қўлга киритилгач, Тошҳовли саройининг таъмирга муҳтож жойлари бўйича қилинадиган ишлар сарҳисоб қилинди ва доимий ҳамкорлик қилиш белгилаб олинди.

Ҳунарманд-2019

# Уч йилда ясалган лаган





Халқаро ҳунармандчилик фестивалида Риштон туманидан моҳир кулол Равшанбек Тожиддинов ўзи ясаган гигант лаган намунасини намойиш қилди. Унинг оғирлиги — 80 килограмм, диаметри — 1,2 метр. Бир пайтнинг ўзида лаганга 40 килограмм ош сиғдириш мумкин. Унинг тайёрланиш жараёни учун роппа роса уч йил вақт сарф этилди.

— *Бир қарашда бу маҳсулотимизга уч йил вақт сарфланмагандек кўринади,* — дейди ҳунарманд Р.Тожиддинов. — *Лекин 100 кг махсус лой ишлатиладиган ушбу лаганнинг тайёрланиш жараёни мураккаб кечди. Печга 20 та шогирд билан амаллаб олиб кирилганидан сўнг у бир ярим йил мобайнида қоронғи жойда табиий усулда қуритилди. Агар шундай қилинмаса, унинг пишиқлиги йўқоларди ва кўп миқдорда ош солинганда синиб кетиши мумкин эди. Кейинги босқичда лаган юзасига нақш чизишдан олдин сир лаки суртилиб, яна шу жараёнда 6 ой қуритилиши керак бўлди. Хуллас, лаганни тайёрлаш учун 3 йил вақт сарфладик. Лекин унинг баҳоси ҳам меҳнатимизга яраша бўлиши аниқ...*

Равшанбек Тожиддинов ҳукуматимиз яратиб берган экспорт ва солиқ имкониятларидан фойдаланиб, 500 турдан ортиқ бу каби маҳсулотларни АҚШ, Германия, Австрия, МДҲ мамлакатларига экспорт қилмоқда. Айни кунларда ҳунарманд Канада мамлакати вакиллари билан келишув ва шартнома ишларини амалга ошираётганини айтди.

**Элёржон ЭҲСОНОВ,**
**Хурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар.**

Муқаддас қадамжолар





# Беҳишт нури ёғилган маскан

**Юртимизда Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Калом, Ҳадис, Тасаввуф, Ақида, Фиқҳ илми бўйича бешта илмий мактаб фаолияти йўлга қўйилиши, Имом Бухорий, Имом Ат-Термизий номидаги марказлар бунёд этилиши, Ислом цивилизацияси маркази, Ислом академияси иш бошлаши ижтимоий-маърифий ҳаётимиздаги улкан ўзгаришлардир.**

Ўзбекистон Республикасининг “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш” тўғрисида қонуни, “Моддий маданий мерос обектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 декабрдаги қарори асосида табаррук манзиллар, азиз-авлиёларимиз макон топган зиёратгоҳларни асраб-авайлаш, обод этиш борасида ҳам хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Жиззах вилояти Фориш тумани Нурак маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Қоратош қишлоғида жойлашган Хўжабоғбон ота зиёратгоҳи мана шундай қутлуғ зиёратгоҳлардан биридир.

Маълум бўлишича, бундан етти юз эллик йиллар муқаддам — ўн иккинчи асрнинг етмишинчи йилларида асл исми Ибн Муҳаммад Восит бўлган Хўжабоғбон ота исломий маърифат тарқатиш учун шу жойларга келиб, яшаб қолган эканлар. Улуғ боболонимиз Ҳазрат Алишер Навоийнинг “Насойим улмуҳаббат” китобида етти юз авлиёнинг исми-шарифи келтирилган. Китобдаги олтинчи ўринда Ибн Муҳаммад ал Восит авлиёнинг ҳам номи келтирилиб, *“ўз замонасининг беназири эрди ва тобинидин кўпи хизмат қилубдур ва суҳбатига етибдур ва кўп машойихлар билан суҳбат тутибдур... Бу дунёда зоҳид бўлгин ва ҳеч кишидан таъма қилма, то барча халқ сенга муҳтож бўлгайлар...”* деган фикрлар билан бошланадиган жумлалар бор. Ҳақиқатан ҳам Хўжабоғбон ота авлиё бўлганлар. 42 ёшларида узлатга







чекинибдилар. Узоқ тоат-ибодатдан сўнг бир куни жами азиз авлиёларни ҳузурига чорлаб, суҳбат-анжуман қилмоқчи бўлибдилар. Уларнинг руҳи икки сонияга қолмай етиб келибди.

— Ё, Аллоҳ!.. — дебди авлиё ота. — Энди бу азиз меҳмонларни қандай зиёфат қиламан?...

Шунда ғойибдан илоҳий овоз келибди:

— Атрофингга мевали дарахтларнинг қуруқ чўпларидан бўлса ҳам, суқиб қўй!

Отахон чўпларни ерга қадаган заҳотиёқ, улар мевалари хил-хил пишиб турган дарахтларга айланаверибди. Турли тарафда қирмизи гуллар, бинафшалар очилиб, ровочлар, майсалар бош кўтарибди, қоратошни ёриб тош лолалар чиқибди. Кейин қоратошдан булоқ сизиб чиқибди. Сувнинг тиниқлигидан ичидаги тошларнинг ранги ҳам аниқ кўринармиш... Меҳмонлар мезбон ҳақига дуолар қилишибди. “Бу жой беҳиштдан нур ёғилган, нур оққан — Нурак жойлар экан! Сиз эса асл пири боғбон экансиз. Энди сиз Хўжабоғбон авлиё ота бўлдингиз”, — дея фатво беришибди.

Хўжабоғбон авлиё отанинг ёзда ҳам қишда ҳам илиққина булоғи ҳозиргача мавжуд. Бу ердаги кекса тут дарахтларининг ёши минг йилдан кам эмас...

2018 йил ёз ойларида бу табаррук маскан Фориш туман ҳокимлиги ва олиҳиммат тадбиркор Турсунбой Олтинов ҳомийлигида ободонлаштирилди. Зиёратгоҳга олиб борувчи йўл таъмирланди, авлиёнинг қабрига мақбара, янги ҳонақоҳ ва айвонлар қурилди. Мақбарага олиб чиқувчи 74 та зина бунёд этилиб, зиёратчилар учун барча қулайликлар яратилди.

Булоқлар, сув тўпланадиган ҳовузлар таъмирланиб, супалар янгидан қурилди. Бу ерда амалга оширилган хайрли ишларни кўрган ҳар бир кишининг дили яйрайди. Мана шу ишга катта ҳисса қўшган барча азиз инсонларга халқимиз номидан миннатдорчилик билдирамиз.

**Ш.ДАРХОНОВ,**
**Жиззах вилояти**
**Фориш тумани**

МАДАНИЯТ
ОБУНА ИНДЕКСИ: 285

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, «Dildosh media» МЧЖ

Бош муҳаррир Дилбаҳор Худойбердиева

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1.
Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10.04.2018 й. 0803 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Нашр учун масъул: Муҳаббат Шарифова
Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева
Навбатчи: Н. Содиқова
Адади - 8476 Буюртма - Г - 927
Сотувда келишилган нархда
Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табоқ

Таҳририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди.
Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.
«Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 42.
Босмахонага топшириш вақти - 20.00
Топширилди - 20.00
1 2 3 4 5